



САНОАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 июль куни Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Тошкент вилояти юксак иқтисодий салоҳияти, улкан табиий ва инсоний ресурслари, ривожланган транспорт коммуникациялари билан мамлакатимиз тараққиётида етакчи ўрин тутди. Вилоятда кимё саноати, нефть-кимё, қора ва рангли металлургия, электротехника, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби замонавий саноат тармоқлари яхши ривожланган.

Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 13 апрелдаги фармонида мувофиқ ташкил этилган «Ангрен» махсус индустриал зонаси бу борадаги салоҳиятдан тўла фойдаланиш, юқори технологияли янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишда муҳим омил бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 26 октябрдаги фармонида мувофиқ ушбу ҳудуд «Ангрен» эркин иқтисодий зонаси, деб аталди, имкониятлари ва имтиёзлари янада кенгайтирилди.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, ушбу зонада амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик инвестиция лойиҳалари билан танишган эди.

Улардан бири Хитойнинг «Поли технолоджи» компанияси билан ҳамкорликда конвейер ленталари, қишлоқ хўжалиги техникаси ва автомобиль шиналари ишлаб чиқариш лойиҳасидир. Лойиҳага қўра, йилга 100 минг погон метр конвейер лентаси, 200 мингта қишлоқ хўжалиги техникаси шинаси, 3 миллион дона автомобиль шинаси ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Президентимиз Ангрен шаҳрига ташриф буюриб, мазкур лойиҳа ижросининг бориши билан танишди.

Конвейер лентаси ва шиналар саноат, қишлоқ хўжалиги, умуман, одамлар ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлардан ҳисобланади. Улар ҳозирча хориждан олиб келинмоқда. Бу товарларни мамлакатимизда ишлаб чиқариш импорт ўрнини тўлдириш, валюта маблағларини тежаш, шу билан бирга, экспортдан фойда топиш имконини беради.

Бу завод мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга, деди Президентимиз. Бу ерда жаҳон стандартларига мос, юқори сифат ва кенг номенклатурадаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Одамлар барқарор даромад манбаига эга бўлади, ҳаётдан рози бўлиб яшайди.

Заводда «Ваг» бренди остида 21 хил ўлчамдаги автошиналар ишлаб чиқарилади ва «ЖМ Ўзбекистон» қўшма корхонасига етказиб берилди. Қишлоқ хўжалигида энг кўп прицеп шинаси ва тракторнинг олд шинасига эҳтиёж сезилади. Корхонада тайёрланган ушбу маҳсулотлар — 140 минг дона прицеп, 60 минг дона трактор шиналари деҳқон ва фермерлар ишига мадд бўлади. Конвейер лентасининг ҳам икки хили — резина матоли ва резина тросли турлари ишлаб чиқарилади.

Ички бозорни таъминлашдан ташқари йилга қарий 60 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари завод хомашёсини маҳаллийлаштириш

масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жиззах нефтни қайта ишлаш мажмуаси ишга тушгач, ушбу заводнинг 50 фоиз хомашёсини етказиб беради. Шу билан бирга, хомашёнинг муқобил манбаларини излаш, хусусан, юртимизда каучук олинадиган дарактларни етиштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Завод ишга туширилгач, 1 минг 200 га яқин киши иш билан таъминланади. Ёшлар замонавий технологияларни эгаллаб, малакали кадр бўлиб шаклланади. Ҳозиргача 68 мутахассис Хитойда малака ошириб қайтди. Корхона учун мутахассислар аниқ, манзилли асосда тайёрланади.

Президентимиз «Поли технолоджи» компанияси билан ҳамкорликни мустақамлаш, хусусан, имкониятларни янада кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва қайта ишлашнинг чуқурлаштириш бўйича «Ўзкимё-саноат» акциядорлик жамияти билан 10 йиллик стратегия ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда заводда қурилиш-монтаж ишлари жадал давом этмоқда. Режага қўра, жорий йилнинг 1 сентябрь куни корхонада биринчи шина ишлаб чиқарилади ва халқаро стандарт олиш учун синовга тақдим этилади.

Шу ерда қурилиш материаллари, автомобилсозлик, электр техникаси ва нефть-кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш, «Ангрен» эркин иқтисодий зонасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, Тошкент вилоятидаги бўш турган бинолардан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари бу лойиҳаларнинг иқтисодий самардорлиги билан қизиқди, хомашёси ва бозорини суриштирди. Корхоналарни ишга туширишда сифат ва муддатга алоҳида эътибор қаратиш, энергия сарфини камайтириш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш муҳимлигини таъкидлади.

Тошкент вилоятидаги бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари негизда 18 кичик саноат зонаси ташкил этиш режасига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилоятининг эртанги куни бу — саноат, деди Шавкат Мирзиёев. Ушбу майдонларда кичик-кичик корхоналар ташкил этиб, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш, қандай маҳсулот ишлаб чиқаришни бозор талабини ва импортни ўрганиш асосида белгилаш, кейинчалик уларнинг фаолиятини кенгайтириб бориш зарур. Бунинг натижасида мингглаб иш ўринлари яратилади, молиялаштириш базаси ҳам кенгайди.

Президентимиз хорижий инвесторлар билан суҳбатлашди.

Шу ерда «Ангрен» эркин иқтисодий зонасидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар намойиш этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўрта Чирчиқ туманидаги «Ўзбегим отлари» от заводи фаолияти билан танишди.

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини ривожлантириш, унинг моддий-техник ва озуқа базасини мустақамлаш, мазкур соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш,

хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш орқали наслдор, спорт ва хизмат отларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

«Ўзбегим отлари» от заводи 1992 йил ташкил этилган бўлиб, майдони 140 гектардан ортиқ, Завод қалимий от зотлари, жумладан, Ахалтака тулпорларини парваришlash ва кўпайтиришга ихтисослаштирилган. Бугунги кунда бу ерда 300 га яқин от парваришланмоқда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Ахалтака зотли отлар бундан беш минг йил муқаддам пайдо бўлган. У Осий халқларининг ёзма манбаларида само тулпорлари, аргумоқ, учур айғирлар, дея таърифланган. Тошбитиклар, қояларда сақланиб қолган суратларнинг гувоҳлик беришича, Ахалтака аргумоқлари қадимда ҳозирги Фарғона vodiysi, Хоразм вилояти ҳудудларида учраган. Бу отлар Туркманистонда кенг тарқалган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов совға қилган «Дўстхон» лақабли зотдор от тақдим этилди.

От заводида зотдор отларни кўпайтириш, соҳада наслчилик ишларини яхшилашга қаратилган истиқболли лойиҳалар тақдими ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари Паркент-сой сувидан унумли фойдаланиш лойиҳаси билан танишди.

Ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Томчилятиб сугориш усулини кенг жорий қилиш, тоқзорлар орасига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экиш кераклиги қайд этилди.

Паркент шаҳрининг бош режаси ҳақида сўзлаб берилди. Бундан ташқари, Паркентнинг экологик тоза ҳудудларида дам олиш ва соғломлаштириш масканларини жойлаштириш бўйича тақлифлар билдирилди. Қурилаётган дам олиш зоналари энергиятежамкор бинолардан иборат бўлади.

Президентимиз Паркентнинг энг сўлим жойида алиблар учун 50 ўй қуриб бериш керак, деди. Улар ижод қилиши учун шароит яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент вилоятининг асосий туристик йўналишлари намойиш этилди. Вилоят ҳудудидида Чимён оромгоҳи, Чорвоқ сув омбори, Ихнож, Урун-гач, Шовур, Бодак қўллари бор. Вилоятда 45 меҳмонхона, 4 туроператор, 71 санаторий, 1 қўриқхона, 5 ўрмон хўжалиги мавжуд. Мазкур имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича режалар, 2017-2018 йилларда вилоятда туризм соҳасини янада ривожлантиришнинг асосий кўрсаткич прогноз параметрлари тақдим қилинди. Чимён оромгоҳида хорижий ва маҳаллий сайёҳлар учун 500 ўринли замонавий меҳмонхона мажмуаси лойиҳасининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур ҳудудда

замонавий осма йўл қуриш лойиҳасига ҳам эътибор қаратилди. Узунлиги 2 километр бўлган, 26 кабинадан иборат осма йўлни 10 ойда қуриш мўлжалланмоқда.

Президентимиз Бўстонлиқ тумани «Хўжакент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидида қуриладиган «Кўш-Чинор» меҳмонхона мажмуаси лойиҳасини кўздан кечирди. Мажмуадан 130 ўринли меҳмонхона, 60 ўринли ресторан, соғломлаштириш маркази ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

«Амурсой» тоғ-чанги дам олиш маскани бош режаси лойиҳаси замонавий ечимлари ва қўлама билан ажралиб турди. Бунда йилнинг турли фаслларида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган тизим яратилади.

Президентимиз Тошкент вилоятининг сайёҳлик салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундай шароит бўла туриб, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент вилоятининг сўлим гўшаларида тажриба сифатида меҳмон уйлари ташкил этиш бўйича тақлифлар тақдим қилинди. Бунда азалий урф-одатларимиз асосидаги тадбирларга сайёҳларни жалб этиш, уларга миллий таомлар тайёрлаш жарағинини намойиш этиш ва бошқа қизиқарли тадбирларни ташкил этиш кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари лойиҳаси билан танишди. Вилоятда бу борадаги кенг қўламли ишларни янада жадаллаштиришда Президентимизнинг 2017 йил 20 июлдаги «Тошкент вилоятининг маъмурий-ҳудудий тузилишини ҳамда маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент вилояти ҳудудидан ўтувчи Тошкент — Сирдарё автомобиль йўли бўйида янги турар жойлар, ижтимоий соҳа объекти қурилиши мўлжалланган. Зангиота, Чиноз ва Янгийўл туманлари ҳудудидан ўтувчи йўл бўйида уй-жойлар қурилиши ва жойлашуви лойиҳаси тақдими ўтказилди. Тошкент вилояти туманлари ва шаҳарларида 5 ва 7 қаватли замонавий уй-жойлар қурилади.

Тошкент вилоятининг маъмурий маркази йўқ эди. Ҳозирги кунда Тўйтепа шаҳрини вилоятнинг маркази сифатида қайта қуриш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада хориждан архитекторлар тақлиф қилинган. Тўйтепа шаҳрининг бош режаси тақдими ҳам ўтказилди.

Президентимиз лойиҳа билан танишар экан, Тошкент — Тўйтепа йўли атрофида замонавий уй-жойлар қуриш, ижтимоий соҳа объектиларини замон талаблари даражасида барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Тошкент вилояти ҳокимлигида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида вилоят фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди.

XI «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ

бошланишига 33 кун қолди



2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

СУД РАИСЛАРИНИНГ АХБОРОТИ ТИНГЛАНДИ

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг навбатдаги сессияси жорий йил 13 июнь куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг ахроли, муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган сессияда вилоят судларининг халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ахбороти биринчи марта тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар асосида шундай мезон жорий қилиндики, унда судьяларнинг 3 мартаба судьялик лавозимига тайинланганда судьялик ваколатини мuddатсиз амалга ошириши, судьянинг фаолиятига ёки унинг навбатдаги судьялик лавозимига тайинланаётганда Ўзбекистон Адвокатлар палатаси, «Нуроний» жамғармаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашидан

фикрнома олиш тартиблари жорий этилди.

Судьяларни кейинги мuddатга тайинлаш масаласини ҳал этишда уларнинг охириги иш жойидаги фаолиятини синчиклаб ўрганиш, айниқса, судья фаолият олиб борган ҳудудда яшаётган аҳоли, кенг жамоатчилик фикрини олиш, судья фаолиятига халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг тавсифномаси асосида баҳо бериш механизми жорий этилган, вилоят бўйича бўш судьялик ўринлари мавжудлиги, ушбу лавозимларга муносиб номзодлар муқобиллик асосида ўрганилиши, судьялар ойда камида бир марта очик мулоқотлар ташкил этиши, ишларнинг камида 30 фоизи сайёр суд мажлисларида кўриб чиқилиши йўлга қўйилгани суд-ҳуқуқ тизимини янги босқичга кўтарди.

Сессияда вилоятда фаолият юритаётган судьяларнинг вилоят ахлига муурожаати ўқиб эшиттирилди.

Тадбирда Навоий вилояти ҳокими К.Турсунов сўзга чиқди.

Н.РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Диққат! Янги рукн:



Тақлиф

Президент Шавкат Мирзиёев 12 июль куни парламент аъзолари, сиёсий партиялар етакчилари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ижро ҳокимияти вакиллари иштирокида ўтказган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш бўйича тахлийий-танқидий фикрлар билдирилди.

Сиёсий партиялар ва парламент фаолияти бугунги талабга жавоб бермаслиги таъкидланди. Депутатларимизда ташаббускорлик ва қатъият етишмаётганлиги очик айтилди. Бугун ушбу танқидий фикрлар, тақлифлар, илгари сурилган фикрлардан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариб олишимиз зарур.

Хўш, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши учун нима қилмоқ керак? Сиёсий партиялар фаолиятини кучайтириш нималарга боғлиқ, деб ўйлайсиз? Депутатлар масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш учун нима қилмоқ керак? Ислохотларга нималар тўсиқ бўлапти, уларни бартараф этиш учун қандай йўл тутиш зарур?..

Мазкур рукн остида шу каби муҳим масалалар ва мавзулар юзасидан тақлифлар бериб боришни режалаштирганмиз.

Ҳурматли парламент аъзолари, депутатлар, партиямиз фаоллари, муҳтарам профессорлар, академиклар, азиз ёшлар, сизларнинг фикр-мулоҳазаларингиз ва тақлифларингизни кутамиз.

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги билан боғлиқ бу лойиҳада фаол иштирок этасиз, деб умид қиламиз.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг.

• КЎЗИМИЗНИ ОЧАДИГАН, ВИЖДОНИМИЗНИ
УЙҒОТАДИГАН ГАПЛАР

• ҲОФИЗНИНГ ЎЛМАС
НАВОЛАРИ

АГАР БИЗ ЎЗГАРМАСАК, ҲАЁТ ЎЗГАРМАЙДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидан кейинги ўйлар



Гулистон АННАҚИЛИЧЕВА,
«Қорақалпоқ адабиёти» газетаси
Бош муҳаррири,
Жўқорғи Кенгесдаги
Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Йиллар ўтган сари инсон «ҳаёт ўзи мактаб», деган иборанинг нақадар ҳақиқат эканлигини чуқур англаб борар экан. Бу мактабда чиниққан киши ўз меҳнат фаолияти билан Ватани раънақига муносиб ҳисса қўшаётганидан, элининг гуллаб-яшнаётганлиги, юртдошларининг тинч-омон, фаровон ҳаёт кечиратганидан кўнгли тўлади.

Ҳаётда тақдирини халқ билан яқин боғланган, эл учун қилинган хайрли ишлардан кўнгли тўлиб яшаётган одамлар оз эмас. Мен бундайлар қаторида журналистларни, халқ ўзи ишониб сайлаган депутатларни алоҳида ҳурмат билан тилга олиб ўтгим келади. Аммо Президентимизнинг маърузасини ҳаяжон билан тинглаб, сўнг газетадан диққат билан ўқиб, англадимки, депутатлар журналистларни ҳаммасида бугун ниҳоятда муҳим вазифалар турибди. Депутат ёки журналист сифатида бугунги шиддатли ўзгаришлар, янгиланишларга, давлатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган ислохотларда қандай иштирок этаймиз, деган савол беихтиёр хаёлдан ўтади. Тўғриси, ўз фаолиятимиздан қониқиб ҳосил қилолмаймиз.

Ўйлаб қарасам, мен 1982 йилдан бери роппа роса 35 йил давомида узлуксиз депутат деган ҳурматли бир унвонни ўзим билан олиб келаётган эканман. Дастлаб Тўртқул шаҳар Кенгашига, туман Кенгашига, кейин

Қорақалпоғистон Олий Кенгашига, кейинчалик Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига

Партия йиғинлари, маҳаллий Кенгаш сессиялари, Сенат мажлисларида қабул қилинаётган қарорлар, маъқулланган қонунлар юзасидан олдиндан тайёрлаб қўйилган мантиларни ўқиб беришга тўғри келиб қолади. Бундай тажриба мустабидлик йилларидан қолган. Бундай амалиёт, бундай иш юритиш вақти ўтди. Ҳозир ҳар бир фракция аъзоси ҳам, сенатор ҳам ўз фикрларини эмин-эркин баён қилиш лаёқатига эга.

депутат бўлиб сайланганман. Лекин тан олиб айтишим керакки, шу йиллар давомида на сессияларда, на давра суҳбатлари, кат-

та-катта анжуманларда ҳам Президентимизнинг «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак» деб номланган маърузаси каби маъруза мос вазифалар қўйилганини, депутат меҳнати шарафлини, бунчалик юксак ҳурмат кўрсатилганини кўрмаганман. Маърузада сиёсий партиялар, депутатлар фаолиятига кескин ва ҳақли танқидий фикрлар айтилди, уларни бартараф қилиш йўллари ҳам белгилаб берилди, шунингдек, депутатнинг қонуний ваколатлари, фаолияти ўрнига қўйилиши кераклиги ҳақида таклифлар ҳам берилди.

Шунингдек, Президентимизнинг намуна кўрсатган депутатларга «адолатли депутат», «халқпарвар депутат», «меҳнаткаш депутат», деган номлар берилиши

билан янада яқинроқ бўлишга ундади.

«Агар биз ўзгармасак, ҳаёт ўзгармайди», деди Президентимиз. Биз депутатларга шунчалик ишонч билдирилган экан, биз ҳам албатта ўзгарамиз. Биз энди ўз хато ва камчиликларимизни рўй-рост кўрмоқдамиз, уларни бартараф қилиш учун бор билим ва имкониятларни сарфлаймиз.

Бир камчилигимизни тан олиб таъкидлаб ўтишни истар эдим: партия йиғинлари, маҳаллий Кенгаш сессиялари, Сенат мажлисларида қабул қилинаётган қарорлар, маъқулланган қонунлар юзасидан олдиндан тайёрлаб қўйилган мантиларни ўқиб беришга тўғри келиб қолади. Бундай тажриба мустабидлик йилларидан қолган. Бундай амалиёт, бундай иш юритиш вақти ўтди. Ҳозир ҳар бир фракция аъзоси ҳам, сенатор ҳам ўз фикрларини эмин-эркин баён қилиш лаёқатига эга. Шунинг учун фикримизни қатъият билан айта олишимиз керак. Депутат ва сенаторларга ишонилиш керак. Ёзиб бериладиган мақолалар, ёзиб бериладиган интервью ва саволлардан воз кечишимиз, бизларга ишонинглар, деб қатъий талаб қўйишимиз керак, деб ўйлайман.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ЎзХДП фракцияси аъзосиман. Айтиб ўтиш ўрнилик, олдинги йиллардаги фаолиятимда ҳам айтилган фикр ва мулоҳазалар қоғозларда қолиб кетарди. Ҳамма нарсаининг ўз вақти бор экан, мана энди, айтилган фикр ва қилинадиган ишнинг муштарак олиб борадиган вақт етди.

Айниқса, Президентимизнинг маърузасидаги партиялар ва маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳақидаги фикрларни диққат билан тингладик. Ҳақиқатан ҳам, бу борада катта

камчилик ва ечимини кутаётган муаммолар мавжуд эканлигини ҳис қилиб турибмиз.

Халқ томонидан сайланган ҳар бир депутат ўз номзодини кўрсатган ва қўллаб-қувватлаган партия дастурини тўлақонли амалга оширишда фаол иштирок этаётганини, деган савол ҳам ҳақли қўйилаётганлигини бугун янада кенгроқ тушуниб етдик.

«Халқимиз биздан рози бўлиб яшаши керак», деган устувор вазифага жавоб бера оладиган даражада фаолият кўрсатишимиз зарур, деб ўйлайман.

Айрим ҳолларда ЎзХДПнинг жойлардаги қабулхоналари давр талаби даражасидан орқада қолаётганлигини кўриб турсак ҳам, партиянинг бошланғич ташкилотлари ўз вазифаларини унутаётган, ўтказилаётган тадбирлар фақат баённомаларда қайд этилиб, унинг таъсир кучи, аҳамияти етарли бўлмаса ҳам, бу борада ўз муносабатимизни билдира олмаёямиз.

Базан электорат манфаати ифода этиладиган масалалар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама этилади-ю, қабул қилинган қарорлар қоғозларда қолиб кетади. Доимий комиссиялар эса бу масалаларнинг ижроси юзасидан қонунларда белгилаб қўйилган ваколатлари доирасида ўз ишларини ташкил қилолмаётган.

Тан олишимиз керак, биз, Жўқорғи Кенгес депутатлари ҳам туман, шаҳар Кенгашлари билан ҳамкорликни давр талаблари даражасига чиқаришда ҳали орқада қолмоқдамиз.

Президентимизнинг танқидий фикрлари зиммамизга жуда катта вазифалар ва масъулият юклатмоқда. Бу масъулият бизларни журъдатди, қатъиятли бўлишга чақирмоқда.

ЎзХДП ҳаётидан

Тошкент шаҳар кенгашида таълим ва фан соҳасини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда депутатлар иштирок этди.

Ўқув-семинар ўтказилди

Дастлаб филология фанлари номзоди Ғафур Эшманов сўзга чиқиб, Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритди.

— Ўн бир йиллик таълим тизимига ўтиш бошланган бир вақтда педагог кадрларга эҳтиёж ортиши табиий ҳол, — деди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси методисти Гулчехра Маманбаева. — Ўрта махсус, касб ҳунар таълими муассасаларидаги умумтаълим фанларидан дарс бераётган ўқитувчиларни мактабларга жалб этиш, юқори синф ўқитувчиларининг дарс соатларини оптимallasштириш, ёш мутахассисларни ишга жалб этиш ҳисобига масалани бартараф этиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, 10-11 синфларда ўқишни давом эттирган ёшлар 2 йил давомида умумтаълим фанлари бўйича таҳсил олади ва ҳафтанинг бир кунини ўқув ишлаб чиқариш мажмуасида алоҳида касб бўйича тайёрланади. Демак, битирувчилар маълум бир касбнинг эгаси бўлиб етишади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

«Аёллар соғлиғи — жамият бойлиги»

Жиззах шаҳридаги 2-оилавий поликлиникада вилоят ва шаҳар партия кенгашлари ҳамкорлигида тиббий акция ўтказди. Унда «Фаол аёллар» қаноти етакчилари, партия фаоллари, шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Жиззах шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тиббий хизмат кўрсатиш сифати, поликлиниканинг моддий-техник базаси, кадрлар билан таъминланганлиги ўрганилди ва бир қанча мутахассисликлар етишмаслиги маълум бўлди. Муаммони бартараф этиш учун таклифлар берилди.

Депутатларни жалб қилган ҳолда, кам таъминланган оилалар, хотин-қизлар, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганиш ва мониторинг қилиш борасида ҳам фикр алмашилди. Аниқланган муаммоларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан бартараф этиш чораларини қўриш кераклиги қайд этилди.

Тадбир давомида хотин-қизлар ўртасида сўровномалар ўтказилди. Эҳтиёжманд кишиларга «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан дори-дармон воситалари тарқатилди.

Махлиё АЛИҚУЛОВА тайёрлади.

Маҳаллий кенгашларда

Партияимизнинг дастурий мақсад ва вазифаларини тарғиб этишда бошланғич ташкилотларнинг ўрни катта. Шунинг учун кўйи бўғин фаолияти самарадорлигини ошириш долзарб аҳамиятга эга.

Янги бошланғич партия ташкилоти

Сирдарё вилояти Мирзаобод туманида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясига қарашли «Сардоба темир йўл агро-саноат мажмуаси» унитар корхонасининг ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда партия аъзолари олдида турган устувор вазифалар хусусида сўз юритилди. Электорат вакиллари, аҳоли билан доимий алоқада бўлиш, уларни ўйлангизган масалаларни ҳал этишда депутатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида тавсиялар берилди.

Учрашувда янги бошланғич ташкилот тузилди. Партия аъзоларига қабул қилинган 50 нафардан ортиқ ишчи-ходимга аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғалари топширилди. Давлат Сангиров бошланғич партия ташкилотининг етакчиси этиб сайланди.

Жамол АНДАҚУЛОВ,
ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши
сектор мудири.

Савол ва жавоб

«ЭЗГУ МАҚСАД»

халқаро хайрия фонди эҳтиёжманд аҳоли манфаатларига хизмат қилади



— Президент қарори билан янги халқаро хайрия фонди ташкил этилди. Мазкур ташкилотнинг вазифалари нималардан иборат бўлади? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот берсангиз.

Дилноза ҚҶҶОҚОВА,
уй бекаси (Сергели тумани).

Нигора ЭШМЕТОВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги
ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Бу фонд «Эзгу мақсад» деб номланади. У аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари, аввало, бемор ва ногирон болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга қўмаклашади. Шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга касалликларни эрта аниқлаш, уларни профилактика қилиш ва даволаш, ногиронликни реабилитация қилиш ва олдини олиш, жамиятда соғлом турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш бўйича самарали ишларни ташкил этиши кўзда тутилган.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ёки хавфли гуруҳга қирадиган болалар, Меҳрибонлик, Мурувват, Саховат уйлари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларига ёрдам беришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, уларнинг ижтимоий мослашувига яқиндан ёрдам бериш ҳам фонднинг устувор вазифаларига қиради.

Бундан ташқари, фонд аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, кўп болали оилаларга яқиндан қўмаклашиш, маҳаллаларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш каби йўналишлар бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлайди. Аҳоли генофондини яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш борасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ношжорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Қарорга асосан, фонд орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилган. Республикаимизнинг юридик ва жисмоний шахслари, хорижий фуқаролар ва ташкилотлар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, халқаро ташкилотларнинг хайрия маблағларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.



— «Эзгу мақсад» халқаро хайрия фонди ташкил этилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Фонднинг фаолияти қандай йўлга қўйилади?

Гулбахор ҲАКИМЖОНОВА,
ҳамшира (Қоровулбозор тумани).

Саидумар МАХСУДОВ,
халқ депутатлари Бухоро вилоят
Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Фонднинг хайрия дастурлари амалга оширилишига қўмаклашиш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг бурчи ҳисобланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Маҳалла» фонди ва бошқа нодавлат ношжорат ташкилотлари ҳам фонд билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Эътиборли жиҳати шундаки, фонд хайрия дастурлари иштирокчилари бўлган шахсларни, юзлар ва товарларни имтиёзли тарифлар бўйича ташини ва

жўнатиш бўйича ҳам вазифалар белгиланган.

Ташқи ишлар вазирлиги фондга халқаро муносабатларни амалга ошириш ва хориждаги шундай фонд ва ташкилотлар билан алоқа ўрнатиш, ЮНИСЕФ, Қизил Хоч, БМТ Миссиялари ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари билан битимлар тузишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

Биз депутатлардан журъдатли ва қатъиятли бўлиш талаб этилмоқда.

БОЙСУННИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИ

ундан тўлиқ фойдаланиш фурсати келмадимикин!..

Мамлакатимизда 2,5 миллиард тоннадан зиёд қидириб топилган кўмир захиралари мавжуд. Мутахассисларнинг маълумотига қараганда, биргина Бойсун конининг «Марказий» ва «Шарқий» худудларида 29 миллион тоннадан ортиқ ўта сифатли тошкўмир бор.

Бойсун кўмирининг иссиқлик бериш қуввати ҳам жуда баланд. Унинг бу борадаги кўрсаткичи 8 минг 200 килокалория бўлиб, кулга чиқши атиги 7-8 фоизни ташкил этади. Масалан, Ангрен кўмирининг бу борадаги қуввати 3,5 минг килокалориядан иборат бўлса, Шарғун кўмирининг қуввати ҳам ундан юқори эмас.

Бойсун кўмири таркибида кўмир кокси, кўмир электроди, шунингдек, карбит-кальций борлиги ҳам аниқланган. Мутахассислар мазкур кўмирдан дунёда энг сифатли активлашган кўмир олиш мумкинлигини таъкидлашмоқда. Бундан ўн йиллар муқаддам Навоийдаги электрокимё заводи лабораториясида ўтказилган синовда 10 тонна кўмирдан 3 тоннадан зиёд активлашган кўмир олиш мумкинлиги илмий ва амалий жиҳатдан исботланди.

Маълумки, активлашган кўмир озик-овқат, тиббиёт, энгил санонат, ҳарбий-техника, узатиш ва қабул қилиш мосламалари, радиотехника соҳаларида кенг қўлланилади. Нефтни қайта ишлаш жараёнида филтёр сифатида фойдаланилади ва олинаётган бензин, керосин, соляра маҳсулотларининг сифатли бўлиши таъминланади. Тоza спирт ишлаб чиқаришда ҳам активлашган кўмирининг ахамияти каттадир. Ҳолбуки, ушбу маҳсулот ўзимизга четдан валюта ҳисобида харид қилинмоқда.

Хорижлик ишбилармонлар истиклолнинг дастлабки йилларидаёқ Бойсун кўмири билан қизи-


қиб қолишганди. Бироқ туманга темир йўл бормаслиги иш бошлашга тўсқинлик қилди. Оқибатда Бойсун кўмири кони инқирозга юз тутиб, ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолди ва туман марказидан 200-250 километр узоқликдаги Шарғун кўмири конига кўшиб юборилди.

2016-2017 йил куз-қиш мавсумида «Сурхон кўмири етказувчи» унитар корхонаси томонидан туман халқ таълими муассасаларига 1 минг 311 тонна, соғлиқни сақлаш тизимига 414 тонна ҳамда ўрта махсус касб-хунар коллежларига 242 тонна Ангрен кўмири етказиб берилди.

Бойсун туманига ана шу кўмирдан 700 тонна ажратилди. Бироқ туман аҳолиси Ангрен кўмирига эмас, аксинча Бойсун кўмирига талабгор бўлмоқда. Ангрен кўмирининг 1 тоннаси ўртача 120 минг 800 сўмга тушганига қарамастан, аҳоли қопга солинган 20-25 килограмм Бойсун кўмирини куз-қиш ойларида 50 минг сўмдан, ёз пайтида эса 25-30 минг сўмдан харид қилмоқда.

Кўриниб турибдики, Бойсун кўмирининг нархи Ангрен кўмиридан бир неча баробар қимматга тушмоқда.

— Ўтган асрнинг 30-йилларидан буён Бойсун кўмири конини ишга тушириш борасидаги ҳаракатларга гувоҳ бўлиб келаман, — дейди **биология фанлари доктори, профессор Шукр Хуррамов**. — Лекин ҳалигача бирор амалий натижани кўрганим йўқ...



— Бойсун кўмирининг қуввати жуда юқори эканлиги ҳеч кимга сир эмас, — дейди **бойсуник Қобил Рашидов**. — Биз ана шу кўмирининг майдаланган қисмини қўлда сув аралаш донадор қилиб тайёрлаймиз. Ёниши ва иссиқлик бериши Ангрен ва Шарғун кўмиридан анча яхши.

Яна бир мисол: вилоят қасаба уюшмалари йиғилишида Сариосиё қишлоқ врачлик пункти раҳбарлари иситиш тизими ишламаётганлигидан шикоят қилишди. Қайта-қайта таъмирлаш ҳам наф бермаган. Синаш учун Ангрен кўмири ўрнига Бойсун кўмирини ишлатиб кўришди. Буни қарангки, ойлар давомида исимаган ускуналар хоналарни қиздира бошлади.

— Биз ҳам асосан Бойсун кўмирини харид қиламиз, — дейди **Шўрчи туманидан Эргаш Донаев**. — Энг муҳими, ушбу кўмирдан ёқимсиз ҳид тарқалмайди. Чунки Бойсун кўмирига мазут эмас, бентанит ва Денов ёғ заво-

дида ишлаб чиқариладиган совун чиқиндиси — соапсток сингари маҳаллий маҳсулотлар аралашмаси қўшилади. Бу эса ишлаб чиқарилаётган кўмирининг экологик жиҳатдан тоза бўлишини таъминлайди.

Афсуски, Бойсун кўмири конидан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилмагани айрим «уддабуронлар»га қўл келмоқда. Тадбиркор никоҳи остидаги бу кимсалар турли ерлардан ўзбошимчилик билан кон очиб, қазиб олинаётган кўмири аҳолига уч-тўрт баробар қимматга пуллашмоқда.

Энг ачинарлиси, иш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига эътибор қилинмаслиги оқибатида, тез-тез кўнгилсиз воқеалар содир бўлмоқда.

Аҳоли томонидан ўзбошимчилик билан кўмир қазиб олишга уриниш жараёнида эса бир неча марта ис гази билан захарланиш ҳоллари рўй бериб, инсонларнинг ўлимига олиб келган.

— Агар корхона ишга туширилса, бу каби салбий ҳолатларга барҳам берилиб, ер-ости бойликларимизнинг талон-тарож қилинишига йўл қўйилмасди, — дейди **Шарғун кўмири конининг Бойсун участкаси бошлиғи Шариф Бўриев**. — Биз айти кўнларда мустақил корхона сифатида иш юритиш мақсадида барча ҳужжатларни жамлаяпмиз.

— Мен мамлакатимиздаги кўнларда ишлаб, бирон жойда бу қадар юқори сифатли кўмирга дуч келган эмасман, — дейди **Шарғун кўмири кони директори Сайдулла Қўчаров**. — Ҳозир ҳам англиялик ишбилармонлар Бойсун кўмири билан қизиқмоқда. Шу кўнларда Шарғун кўмири конида таъмирлаш ишлари бошланиш арасида. Яқинда 400 кишидан иборат мутахассислар бу ерга келишди. Бу ишлар якунига етгач, Бойсун кўмири кони ҳақида ҳам ўйлаб кўрамиз...

Бизнингча, Бойсун конини замонавий асосда ишга тушириш ва унинг имкониятларидан фойдаланиш борасида амалий чораларни кўришнинг фурсати аллақачон етган. Бу билан иккита муҳим вазифа адо этилади — мамлакатимиз эҳтиёжи учун хориждан келтирилаётган активлашган кўмир ўзимизда тайёрланади ва юзлаб янги иш ўринлари яратилади. Айни пайтда мамлакатимиз ва хорижий истеъмолчиларга йилига сифатли тошкўмир ва брикет маҳсулотлари етказиб бериш мумкин бўлади.

Бу эса ҳудуднинг иқтисодий юксалишига хизмат қилади.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



ДАВОСИЗ ДАРД ЙЎҚ



Охириги ўн йил ичида жаҳон ҳамжамияти ОИТСга қарши курашда муайян ютуқларга эришди. Бу ҳақда БМТнинг ОИВ/ОИТСга қарши бирлашган дастури томонидан тайёрланган ҳисоботда айтилди.

Унга кўра 2016 йили ОИВ билан яшаётган 36,7 миллион кишидан 19,5 миллион нафари даволаниш имкониятига эга бўлди. ОИТС билан боғлиқ ўлим даражаси эса 2005 йилдаги 1,9 миллион ҳолатдан 2016 йили 1 миллион ҳолатгача қисқарган.

Айниқса Африка мамлакатларида катта натижаларга эришилган. Ушбу минтақада бутун дунёдаги ОИВга чалинган одамларнинг ярми истиқомат қилади. 2010 йилдан бери минтақада ўлим даражаси 42 фоизга, касалликка чалиниш ҳолати 29 фоизга қисқарган.

Экспертларнинг таъкидлашича, агар жараён шундай давом этса, 2020 йилга бориб, 30 миллион кишининг ушбу хасталикдан даволанишига имкон туғилади.

106 ЁШЛИ

шифокор вафот этди



Японияда то умрининг сўнги кунларигача фаолиятини тўхтатмаган шифокор Сигэаки Хинохара Токиода 106 ёшида вафот этди. У халқаро клиника бош шифокори ва директорлар кенгаши раиси бўлиб ишларди. У 90 ёшида ёзган ва 1,2 миллион нусхада чоп этилган «Яшаш» илмий китобидан сўнг дунёга машҳур бўлиб кетганди.

Сигэаки Хинохара 88 ёшида мюзикл учун сценарий ёзади ва унда ўзи рол ижро этади. Яъни, орзусига эришиб, оркестр дирижёрлиги пултини бошқаради.

У ўтган йил кузда 105 ёшини тантанали нишонлаб, меҳмонлар билан Тайванга сайёҳат қилганди.

ФАЗОГА

саёҳат қилади



2019 йилда Осие қитъасидаги мамлакатлардан бирининг фуқароси сайёҳ сифатида фазовий сайёрга чиқади.

Мутахассисларнинг сўзларига кўра, «Энергия» ракета космик корпорацияси доимий фазовий сайёҳликни йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда 2019 йилда махсус кемалар тайёрланади.

2001 йилдан бери ушбу парвозлар учун номзодларни Space Adventures компанияси танлаб келган. Биринчи фазовий сайёҳ сифатида америкалик тадбиркор Деннис Тито тарихда қолди.

У 2001 йили Россиянинг «Союз ТМА-32» кемасида коинотга парвоз қилганди.

«Ўзпахтаёв» акциядорлик жамияти ижро аппарати жамоаси маъсул ходим Татьяна Сидоровага падарий бузруквори **Павел СИДОРОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Эълон

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация маркази

қуйидаги бўш иш ўринларига ишга кириш учун танлов эълон қилади.

№	Лавозими	Сони	Малака талаблари
1	Илмий ҳамда компания ва корхоналар билан ҳамкорлик ишлари бўйича директор ўринбосари	1	Танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган ҳамда жаҳон андозаларига мос фундаментал тадқиқотлар, фаннинг муҳим соҳалари бўйича янги илмий мақола ва фан тизимининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, хорижий ва республика университетлари, илмий-тадқиқот муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро тенг маънавий ҳамкорликни амалга ошириш бўйича тажрибага эга бўлиши керак.
«Машинасозлик ва материалшunosлик» лабораторияси			
1	Лаборатория мудири	1	Танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс иштирок этиши мумкин.
2	Кичик илмий ходим	1	Танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.
3	Лаборант	1	Тегишли мутахассислик бўйича маълумотга эга бўлган (бакалавриатура ёки коллежни тамомлаган), инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс танловсиз суҳбат асосида директор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.
«Кимё ва нефткимё» лабораторияси			
1	Лаборатория мудири	1	Танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс иштирок этиши мумкин.
2	Кичик илмий ходим	1	Танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.
3	Лаборант	1	Тегишли мутахассислик бўйича маълумотга эга бўлган (бакалавриатура ёки коллежни тамомлаган), инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс танловсиз суҳбат асосида директор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.
«Энергетика» лабораторияси			
1	Лаборатория мудири	1	Танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс иштирок этиши мумкин.
2	Кичик илмий ходим	1	Танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.
3	Лаборант	1	Тегишли мутахассислик бўйича маълумотга эга бўлган (бакалавриатура ёки коллежни тамомлаган), инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс танловсиз суҳбат асосида директор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.
«Кончилик иши ва минерал хомашёларни чуқур қайта ишлаш» лабораторияси			
1	Лаборатория мудири	1	Танловда фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) илмий даражасига ва унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс иштирок этиши мумкин.
2	Кичик илмий ходим	1	Танловда олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, бироқ илмий-тадқиқот ва ишлаб чиқариш ишлари тажрибасига эга бўлган ҳамда инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахслар ҳам қатнашиши мумкин.
3	Лаборант	1	Тегишли мутахассислик бўйича маълумотга эга бўлган (бакалавриатура ёки коллежни тамомлаган), инглиз ёки япон тилларидан бирини биладиган шахс танловсиз суҳбат асосида директор буйруғи билан белгиланган тартибда ишга қабул қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар матбуотда эълон қилган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай берилиши керак.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Марказ директори номига ариза берадилар. Аризага кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа

ва олий маълумот тўғрисидаги дипломлар нота-риал тасдиқланган нусхаси, тавсифнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма илова қилинади.

Қатнашувчиларда илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D)

даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига), илмий унвон, шунингдек илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда улар тегишли дипломлар, аттестатлар нусхаларини ва илмий ишлар рўйхатини, малака ошириш тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдим этишлари керак.

Мурожаат учун манзил: 100095, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Талбалар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-Б уй.

Алоқалар: телефон ва факс: (0371) 246-81-40, 202-00-22, email: ujicy.gov@gmail.com

Бойсун кўмири конидан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилмагани айрим «уддабуронлар»га қўл келмоқда.

Мулоҳаза

Тараққийт инсониятни ўзлигидан, қадимий қадриятларидан, мумтоз туйгуларидан узоқлаштиради, деган гапни ўқиганимда, тўғриси, бунга ишонмаган эдим. Лекин бугунги ёшларнинг асосий вақти ижтимоий тармоқларда, компьютер, телефон курашида ўтаётганини тан олишга мажбур-миз.

КИТОБГА ҚАЙТАЙЛИК!

Кейинги пайтларда бир-бири билан юракдан суҳбатлашаётган, қўлига қоғоз-қалам олиб, хат ёзаётган йигит-қизларни умуман учратмадим. Суҳбатлар, мактублар асосан ижтимоий тармоқларга қўйган. Ҳатто қариндош-уруғлар ҳам ижтимоий тармоқлар орқали бир-биридан ҳолаҳвол сўраяпти.

Бунинг натижасида бугун биз китобдан узоқлашдик. Ёшлар даврасида бирор-бир асар ҳақида баҳс-мунозара бўлаётганини кўрмайсиз. Ҳамма шов-шувли гаплар, ҳар хил мунозаралар, баҳслар аллақандоқ ижтимоий тармоқларда юз бермоқда.

Президентимиз Ўзбекистон ёшлар иттифоқини ташкил этишга бағишланган йилгилишда биринчилардан бўлиб барчамизни ушбу хавф-хатардан оғоҳ этди. Назаримда, китоб ўқимаслик, ижтимоий тармоқларга муккасидан кетиш бу — фақат ёшларнинг айби эмас, балки ота-оналарнинг, устоз-мураббийларнинг ҳам лоқайдлиги натижасидир.

Ёшлар билан суҳбатда Президентимиз «болаларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтини ижтимоий тармоқларда ўтказиб қўлини — бу ҳам бор гап!» деган фикрни айтди. Тўғриси, мамлакатимиз раҳбарининг ушбу кузатишларини ўқиб, ўзим ҳам ўйланга қолдим. Тенгдошларимиз фан бўйича халқаро олимпиадаларда ғолиб бўлаётган, спортчи ёшларимиз дунё ареналарида Ўзбекистон байроғини юксакларга кўтараятган бир пайтда бизнинг олтидан ҳам қиммат вақтимизни ижтимоий тармоқлар олаётганига ачинасан киши. Бу аниқ ҳақиқатни ҳеч биримиз инкор этолмаймиз.

Ёшлар китобга, китоб ўқишга қайтиши керак. Навоийлар, Бухорийлар, Берунийлар, Фарғонийлар чиқиши учун, Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунини дунёга қўз-қўз қилишимиз учун ҳам биз китобга қайтишимиз керак.

Ҳар қандай хатони тузатиш мумкин. Вақтида олди олинган ҳар қандай муаммони бартараф этса бўлади. Шунинг учун ҳам Президентимиз бундан мамлакатимиз бўйлаб «Энг китобхон мақта», «Энг китобхон оила» каби йўналишларда танловлар ўтказиш, якуний босқич ғолибларини тақдирлаш учун юртимизда ишлаб чиқарилган автотомобилларни мукофот сифатида бериш кераклигига алоҳида ургу берди.

Имкониятдан фойдаланиб, тенгдошларимиз китобхонликни тарғиб этиш, китоб совға қилиш, умуман олганда, китоб ва китобхонлик масаласида баҳс-мунозараларга чакирмоқчи эдим. Сиз бунга нима дейсиз?

Нилуфар ЗАРИПОВА, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти 3-босқич талабаси.

Паралимпия

Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида давом этаётган енгил атлетика бўйича паралимпиячилар ўртасидаги жаҳон чемпионатида вакилларимиз муваффақиятли қатнашмоқда.

ЎЗБЕКISTONLIK СПОРТЧИ ЖАҲОН РЕКОРДИНИ ЯНГИЛАДИ

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, нуфузли мусобақанинг эркаклар ўртасидаги найза улоқтириш баҳсларида иштирок этган Александр Свечников 71,01 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, жаҳон рекордини янгилади.

Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсларда Нозима Қаюмова 41,25 метр натижа қайд этиб, қумуш медал билан тақдирланди.

Аввал хабар берганимиздек, чемпионатнинг дикс олаш баҳсларида Хусниддин Норбеков 54,73 метр натижа кўрсатиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган бўлса, узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев 7,18 метр натижа билан олтин медални қўлга киритиб, Осиё рекордини ўрнатган эди.

Б.АЙТМУРDOV, ЎЗА муҳбири.

XI «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ бошланишига 33 кун қолди



Миллий матбуот марказида XI «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Маданият вазирлиги, Шарқ тароналари дирекциясининг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирок этди.

XI «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан катта эзгу ниятлар билан ташкил этилган. Ўтган йиллар давомида бу фестиваль дунёнинг энг нуфузли мусиқий фестивалларидан бирига айланган ҳақида фестиваль матбуот хизмати раҳбари Сафар Остонов тўхталди.

— Мазкур фестивалнинг асосий мақсади, — деди у, — Шарқ мамлакатлари миллий мусиқа маданиятини асраш, ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, турли мамлакатлар миллий маданияти, санъати вакиллари мулоқот ўтказишига имкон яратишдир.

«Шарқ тароналари» қисқа даврда катта эътибор қозониб, дунё тароналарига айланган кетишининг асослари бор, албатта.

Аввало айтиш кераки, миллий куй-қўшиқ ҳар бир миллатнинг қонида, жонида яшайди. Ҳар бир халқ ўзининг миллий маданиятини, куй-қўшиғини бутун дунёга кўрсатгиси келади. Шунинг учун ҳам дунёнинг турли томонларидан ҳар йили кўпга янги-янги иштирокчилар мазкур фестивалда иштирок этиш истагини билдирмоқда.

Иккинчи сабаби, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қадим ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг юраги бўлган Регистон майдонида ўтказилади. Бу майдонга ўхшаган майдонни дунёнинг бошқа бирор-бир жойидан топиш қийин. Бу муқаддас майдоннинг жозибаси, сехри ўзгача.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жарафни бошидан охиригача мамлакат раҳбариятининг бевосита эътибори остида бўлади. Фестивалнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иштирок этиши унинг нуфузини янада оширмоқда. Бу йил фестивалга ҳар



Савийер ШОТЛУЙАНОВ олган суратлар.

қачонгидан ҳам қизғин тайёргарлик қўрилмақда.

Мазкур фестиваль Маданият вазирлиги, Самарқанд вилояти ҳокимлиги, «Ўзбеконцерт» давлат муассасаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида, ЮНЕСКО шафелигида ташкил этилмоқда.

— Жорий йилги фестивалда ҳозирча 56 давлатдан вакиллар иштирок этиши кутилмоқда, — дейди Маданият вазир ўринбосари Камола Оқилова. — Меҳмонлар келиши бўйича музокара-лар давом этмоқда. XI «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида АҚШ, Корея, Хитой, Эстония, Кувайт, Индонезия, Бангладеш ва ўзбекистонлик мутахассислардан иборат халқаро ҳакамлар ҳайъати шакллантирилди. Унга яқин давлатдан журналистлар фестивалда иштирок этиш истагини билдирган.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали дирекцияси бир қатор хорижий давлатлардаги халқаро фестиваллар билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган бўлиб, бу сафар Кореянинг Андон халқаро фестивали ва Хитойнинг Шанхай халқаро санъат фестивали вакиллари меҳмон сифатида тақлиф қилинган. Мазкур фестиваллар ташкилотчилари бизнинг тажрибамизни ўрганишмоқчи. Биз ҳам бундай учрашувлардан манфаатдоримиз. Улардан ҳам қандайдир янгиликларни ўрганишимиз. Энг муҳими, бизнинг фестивалда профессионал ва ҳаваскор ижодий жамоалар ҳамда яқин ҳақиқатда ва созандалар иштирок этишлари мумкин.

«Шарқ тароналари» халқнинг миллий санъатини сақлаш, ривожлантириш, ёшларимизда эстетик дидни шакллантириш, миллий тароналарга меҳр ўйотишда бебаҳо аҳамиятга эга.

— 22 августдан бошлаб хорижий иштирокчилар кела бошлайди

— дейди «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ижрочи директори Тошкент Холиқов. — Меҳмонлар Ислоҳ Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида кутиб олинади ва улар 24 августта қадар Тошкент шаҳрини зиёрат қилишади. Сўнгра меҳмонлар «Афросиёб» поезидида Самарқандга йўл олишади. Айтилган Самарқанд шаҳри фестивални ўтказишга шай ҳолатда. Барча ташкилий ишлар аъло даражада йўлга қўйилган. Меҳмонларни юртимиз тарихи ва маданияти билан атофлича таништириш мақсадида 60 нафар таржимон икки-уч ой давомида қайта ўқитилди. Иштирокчиларга Самарқанднинг барча зиёратгоҳлари ва эътиборга молик жойлари таништирилади. Ҳар бир масала бўйича ишчи гуруҳи, масъул шахслар белги-ланган. Мақсадимиз фестивалнинг ҳар қачонгидан ҳам юксак савияда ўтказиш.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, анжуман доирасида мунтазам равишда илмий конференциялар ўтказиб келинмоқда, — дейди санъатшунослик фанлари доктори, профессор Рустамбек Абдуллаев. — Бу гал «Шарқ халқлари мусиқа маданиятида миллий анъаналарнинг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилиши режалаштирилмоқда. Унда 20 нафардан ортқ хорижий меҳмон қатнашиши кутилмоқда.

X «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида биз янгилик киритиб, Ёшлар қаноти секциясини очган эдик. Унда республикамиз ёш олимлари, магистрлар, докторантлар ва изланувчилар ўз маърузалари билан илмий конференцияда қатнашишган эди. Бу йил ҳам худди шундай бир секция-мизни Ёшлар қанотига ажратишни мўлжаллашмиз.

Шунингдек, жорий йилги фестивалда ҳам аввалгилари каби маҳорат дарслари ва Ўзбекистонда нашр этилган Шарқ мусиқа маданиятига бағишланган китоблар тақдимотини ўтказишни режалаштирганмиз.

— XI «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ҳар йилгидан юқори савияда ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимлиги томонидан ишчи гуруҳлари тузилган, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Нуриддин Болиев. — Ҳар бир гуруҳ учун ишлар аниқ тақсимланган. Кимдир меҳмонларни кутиб олса, яна кимдир шаҳарни сайр қилдиришга жавобгар. Мазкур гуруҳлар томонидан бугунги кунда барча тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳар бир гуруҳ тайёргарлик ишлари юзасидан тақдимот ўтказиб бормоқда. Мавжуд камчиликларни маслаҳатлашиб бартараф этилмиз. Меҳмонлар ва журналистлар жойлашадиган меҳмонхоналарда барча шароитлар муҳайё этилишига эътибор қаратилмоқда. Кўчалар, хибонларда кенг қўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Тўғриси айтганда, Самарқанд ҳозирдан байрам руҳи билан яшамоқда.

Бу йил фестивал доирасида Ургут, Тайлоқ, Жомбой, Пастдаргом каби туманларда ҳам мусиқий тадбирлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, концертлар бўлиб ўтади.

Шунингдек, журналистлар учун матбуот марказида яратилмаган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шаҳбоз САИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ўрнида

ЭКСПОРТГА КЎМАКЛАШИЛМОҚДА



Мамлакатларимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам тадбиркорлар, деҳқон ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини экспорт қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. 561 санаот корхонасидан 33 таси экспорт салоҳиятига эга, 10 таси Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилоят филиали кўмагида ўз маҳсулотларини хорижда сотиш имкониятига эга бўлди.

Хусусан, «Бахт Текстиль» ҚК МЧЖ ва 2409,0 минг АҚШ доллар калава, «Bright Navoi textile» МЧЖга 2793,0 минг АҚШ доллар калава ип экспорт қилди. Шунингдек, филиал кўмагида «Хатирчи Export Import» ХК экспорт шартно-

масини тузиб, 786,0 минг АҚШ долларлик қишлоқ хўжалик маҳсулотларини хорижга жўнатди. «ASG Katmana Export» МЧЖнинг 3052,0 минг АҚШ доллар миқдоридagi қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида ҳам жамғарманинг алоҳида ўрни бор.

Июнь ойида жамғарманинг амалий, ҳуқуқий ва консултиватив кўмаги Навоий вилоят кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан катта ҳажмдаги маҳсулотларни экспорт қилишга эришилди.

Шунингдек, экспортчи корхоналар салоҳиятини ошириш, хорижий ҳамкорлар топиш, тижорат тақлифлари тайёрлаш ва тадбиркорларнинг халқаро кўргазмалардаги иштирокини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилмоқда.

Равшан МАХМУДОВ, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Навоий вилоят филиали директори.

Жаҳон матбуоти саҳифаларида ҚИРҒИЗИСТОНЛИК ЖУРНАЛИСТ: МЕН КЎРГАН ТОШКЕНТ

Ўзбекистонга ҳар йили минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Улардан бири бўлган қирғизистонлик журналист Асан Пазил ўз таассуротларини интернет саҳифаларида эълон қилди. Биз уни бироз қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола этияпмиз.

«Бизда кимнингдир уйи қишда иссиқ бўлса: «уйинг Тошкент бўлиб кетибди-ку», деб қўйишади. Ҳозир Тошкентнинг иссиғи жуда авжда. Ўш ҳам иссиқ, лекин бунчалик эмас.

Ўзбекистон пойтахти асим шаҳар экан. Борганлар билади, йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Бинолари кўзи қамаштиради. Истироҳат боғларини-ку айтмай қўя қолай. Борзорлари тўкин. Яна супер, гипер маркетлари ҳам кўп экан. Ҳозир қаттиқ қишда буюмларни қайта ишловчи заводлар қуришга жиддий эътибор бошланибди.

Биз шунақа заводларни кўрдик. Artel номли завод чикиндини қайта ишлаб музлаттич, мультиварка, телевизор, кондиционер ишлаб чиқарар экан. МДХ давлатларига экспорт ҳам қилади. Бизда ҳам уларнинг маҳсулотларини харид қилувчилар кўп. Қайта ишлаб чиқаришга мўлжалланган бир қанча заводларнинг иши билан танишиб, чиқиндилардан керакли буюм аёти олганлари уларнинг катта муваффақияти экан, деб ўйладим.

Сайёҳликни ривожлантириш йўлида ҳам катта ислохотлар бошлашибди. Ўзбекистонликлар сўзлашувларида, суҳбатларида Президент номини ҳурмат билан тилга олишади. Бунга телекўрсатувларни кўрганда ҳам, фуқаролар билан суҳбатлашганда ҳам сезиш мумкин. Самарқандда учайтди, бир журналга қўзим тушди. Унда Президент Мирзиёевнинг қарори билан сайёҳликни ривожлантиришга йўл очилгани ҳақидаги мақолани ўқидим. Бу билан нима демоқчиман: Тошкент шаҳри жуда тинч шаҳар экан. Сен сайёҳимсан, маҳаллий халқимсан, кундузи юрасанми ёки кечасинми, хавфсизлигинг тўла таъминланди...

Тошкент саёҳати бошланди. «Япон боғи» деб номланган истироҳат боғига бордик. Боғнинг майдони учна катта бўлмаса ҳам, гўзал манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. Бу жойда мусиқа ва турли қушларнинг сайраши бир-бири билан ўйғунлашиб, ҳаётнинг сокинлигини акс эттираётгандек. Бу боққа кўпроқ ёшлар келади. Асосан севишганлар.

Тошкент — тарихий шаҳар бўлиш билан бирга стратегик аҳамиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Сабаби, шарқий томондан Қирғизистон, жанубий-ғарбдан Туркменистон, жанубий Тожикистон, шимолий Қозғистон учун қўлай. Шу сабаб, Тошкент шаҳри бошқа ҳудудларга нисбатан кўпроқ ривожланган, тараққий этган.

Бу шаҳарда завод, фабрикалар ҳам кўп қурилган. Иккинчи жаҳон уруши вақтида ҳам Тошкент кўп одамларга бошпан берган, бу шаҳар ўшанда нон шаҳри, одамийлик шаҳри рутбасига сазовор бўлган.

Айтмоқчи, айти пайтда Ўзбекистонни бошқараётган Шавкат Мирзиёев Президент бўлиши билан ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги қадимий қардошлик, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида бир қатор хайрли ишларни амалга оширди. Унинг тақлиф ва ташаббуси билан Қирғизистоннинг 150 кишидан иборат делегацияси Андижон шаҳрига ташриф буюрди. Ўша таркибда мен ҳам бор эдим. Кейин ўзбекистонликлар бизда меҳмонда бўлишди. Алмазбек Атамбаев ҳам Президентлар ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда бўлди. Бундай интилишларини фақат қўлашимиз, ҳар биримиз Президентларимиздан ўрнак олиб, мана шу қадимий дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлида бирлашимиз керак».

Темур АБЗАМ тайёрлади.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar OSTONOV. Tahrir hay'ati: Hotamjon KETMONOV, Muslihidin FARRUX HAMROYEV, Ulug'bek VAFOYEV, Saidkamol XODJAYEV, Ochilboy RAMATOV, Tat'yana KISTANOVA.

Qabulxona — 233-65-45. Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56. E-mail: info@uzbekistonovozi.uz. MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta shehanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 738 9319 naxxada bosildi.

Navbatchi: Abdusolim MAHMUDOV. Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABUQAZAROV. ISSN 2030-7433. 1 2 3 5 6